



SAMARKANDNING IRRIGATION SYSTEM

Oroкова Dildora Kadyrovna

TAKI

Annotation

This article covers the history of irrigation of the ancient Samarkand (Zarafshan) oasis, the sources of antiquity, the study of the history of irrigation with the help of archaeological monuments, and similar topics.

Keywords: The Nile Basin, a complex of archaeological monuments, ancient irrigation networks, ancient written sources.

САМАРҚАНДНИНГ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ

Ўрокова Дилдора Қодировна (ТАҚИ)

Аннотация

Ушбу мақолада қадимий Самарқанд (Зарафшон) воҳасининг суғорилиш тарихи, антик давр манбалари, суғорилиш тарихини археологик ёдгорликлар ёрдамида ўрганиш ва шу каби мавзулар ёритилади.

Калит сўзлар: Нил ҳавзаси, археологик ёдгорликларнинг комплекси, қадимги суғориш тармоқлари, антик давр ёзма манбалари.

Аннотация

В данной статье освещается история орошения древнего Самаркандского (Зарафшанского) оазиса, источники древности, изучение истории орошения с помощью археологических памятников и тому подобные темы.

Ключевые слова: Бассейн Нила, комплекс археологических памятников, древние оросительные сети, древние письменные источники.

Кириш

Дунё ҳамжамиятида илк цивилизациялар дарё ва сув ҳавзалари бўйида вужудга келади. Масалан Қадимги Мисрда Нил ҳавзаси бўйида, Месопатамияда Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари бўйида қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар-давлатлар вужудга келган. Суғорма деҳқончилик Шарқнинг барча катта кичик дарё ҳавзаларидан вужудга келгани каби Ўрта Осиёнинг марказидан оқиб ўтувчи дарё -Зарафшон дарёси ҳам қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келишида,суғориш тармоқларининг ривожланишида ва сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Хозирги кунда Ўрта Осиё чўл зоналарига



сув чиқариш ва ушбу жойларни кўкаламлаштириш лойиҳалари долзарб муаммолардан бири бўлганлиги учун ҳам ирригация тарихини ўрганиш ва ва уни мукамаллаштириш ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ


Зарафшон дарёсининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу сабабли тарихчилар “Самарқанд Зарафшон дарёсининг туҳфаси” деб такидлайди. Сабаби, Қадимдан Самарқанд асосий сув манбаи Зарафшон дарёси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Самарқанд учун ҳақиқий зар манбаи бу – Зарафшон дарёси эди.

Қадим замонларда ўзининг кучли оқими билан Амударёгача етиб борган Зарафшоннинг кейинчалик узилиб қолиши Зарафшон воҳаси – Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида минглаб гектарлаб ерларнинг ўзлаштирилиши оқибати эди. Суғорма деҳқончилиқнинг доимий ўсиб бориши Зарафшон сувининг янада кўпроқ сарфланишига сабаб бўлди ва қачонлардир Амударёга қадар етиб борган дарё эндиликда воҳанинг ўзини сув билан таъминлай олмай қолди. Оқибатда Бухоронинг ўзида ҳам тез-тез сув танқислиги сезилиб турган.


Афсуски, антик давр ёзма манбаларидан келтирилган юқоридаги умумий маълумотлар Бухоро воҳасининг ўзлаштирилиши тарихий жараёни юзаки кузатиш учун ҳам мутлақо етарли далил эмас, шунингдек, биз тадқиқот этаётган масалалар ҳам муайян аниқлик кирита олмайди. Шунинг учун ҳам қуйи Зарафшоннинг суғорилиш тарихи муаммоларини ёритишда кўпроқ археологик фактларга суянишга тўғри келади. Чунки, Бухоронинг турли тарихий даврларга мансуб бўлган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган моддий-маданий ёдгорликлари қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиши тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воҳанинг суғорилиб обод этилишининг узоқ тарихий жараёни ўрганишга тадқиқотчилар учун беҳад бой фактик маълумотлар берувчи ягона бош манба ҳисобланади. Қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиши динамикасини аниқлаш учун, аввало Бухоро воҳасида, айниқса, унинг қадимги суғорилган ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг қисқа бўлса ҳам умумий малумоти устида тўхтаб ўтиш нақсадга мувофиқдир. Бухоронинг қадимги суғорилган ерларнинг асосий катта қисми Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида, унинг делта характеридаги қадимги йирик ирмоқларидан бири Вобкентдарё этакларида жойлашган бўлиб, у Бухоро воҳасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий чегарасида ёндашган. Жанубдан шимол томон қарийиб 55 км чўзилган бу деҳқончилик массивининг майдони тахминан 100-120 минг гектарга тенг бўлиб, унинг ташқи чегараси воҳанинг шимоли-ғарбий қисмида-ҳозирги обод ерлар зонасидан 10-12 км, ғарбда эса қарийиб 35 км ташқаридан Урганжий даштидан ўтади. Бу жараённинг археологик манзараси мезолит даврининг ахён-ахёнда учраб турадиган чақмоқтош қуролларидан тортиб, то антик давр ва илк ўрта асрларнинг йирик иншоотлари хом ғишт ва пахсадан бино қилинган қадимги шаҳарлар, қалъалар ва қасрларнинг харобалари ҳамда Қизилқумга туташиб кетган сувсиз бу ҳудудларнинг қачонлардир суғорилиб обод этилишида ҳаётбахш рол ўйнаган қадимги суғориш




тармоқларининг қуриб қолган изларини ҳам ўз ичига олган хилма-хил археологик ёдгорликларнинг комплекси билан ифодаланади.




Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича илк ўрта асрларда, айниқса IX-XI асрларда қуйи Зарафшонда бир қанча йирик суғориш иншоотлари қурилиб, воҳанинг суғорма деҳқончилик ер майдони ниёҳатда кенгайган.



1878—1883 йилларда Самарқанд воҳасида ўзлаштирилган ерларнинг схематик харитаси
www.ziyouz.com kutubxonasi




Чўпонота сув айирғич тўғонининг 1878 йилда олинган плани




Дарғом канали бош олган Равотхўжа районининг схематик харитаси:


I. Кузатиш мўласи-динг; II. Равотхўжа қалъаси; III. VII–VIII аср ёдгорлиги Куюктепа; IV. XI–XII аср истеҳкоми. 1–Хўжа Закария Варрақ мақбараси; 2–Дарғом каналининг соқаси; 3–Дарғом канали бош олган қадимги тунелнинг қолдиқлари; 4–Биринчи Май тўғони



Қашқадарёнинг Зарафшонга қуйилган қадимги қуруқ ўзани (Сариқлар қишлоғи яқинида)



Ибн Хавқалнинг Мовароуннаҳр харитаси (Марказда Зарафшон дарёси ва унинг водийси тасвирланган)



Зарафшон водийсида 1913—1916 йилларда лойиҳалаштирилган сув омборларининг схематик харитаси:

1 – Сув омборлари; 2 – Янги каналлар; 3 – Ўзлаштирилган ерлар; 4 – Насос станцияси; 5 – Гидроэлектростанция;
6 – Лойиҳалаштирилган темир йўллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Х аср муаллифлари маълумотларга қараганда Бухоро воҳаси Самарқандга нисбатан обод ва кенг бўлган. Унинг обод ерлари 22 рустоққа (манзилгоҳ) бўлинган. Бу рустоқлардан 15 таси воҳанинг атрофини ўраган қадимги мудрофаа истехкоми – Кампиракнинг ичкарасида, 7 таси унинг ташқарисида жойлашган. Наршахий ва Истахрийлар ўз асарларида Бухоро рустоқларини сув билан таъминлаган йирик магистрал каналлардан 17 тасининг рўйхатини келтирадилар. Истахрийнинг маълумотларига қараганда, Бухорони кесиб ўтган Зар канали 12 шаҳобчага бўлинган. Истахрий маълумотлари ва “Худуд ул-олам”да келтирилган маълумотга қараганда, Бухоро воҳасининг Кампирак девори билан ўраб олинган обод қисмининг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам, 12 фарсах бўлган. Бухоро воҳаси Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда айниқса обод этилиб, унинг ташқи чегараси Кампирак деворидан анча кенгайтирилган. Ўз давлат чегарасининг Кампирак билан чекланишини истамаган Исмоил Сомоний деворни тиклаб туриш учун сарфланадиган харажат ва қилинадиган ҳашар ишларини бекор қилган. Зарафшон воҳаси ўзбекларининг кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган анъанавий тажрибага таянади. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудини табиий-географик шароитига кўра учта қишлоқ хўжалиги зонасига бўлиш мумкин: тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5 %), суғорма ерлар зонаси (18,5 %) ва бепоён дашт ҳамда яйловлардан иборат бўлган зона [7,89]. Аммо суғорма ерларнинг ҳаммаси ҳам суғоришга яроқли эмас. Тоғ тизмалари ва қум уюмлари орасида, дарё соҳаларида жойлашган зироатчилик воҳалари эса қадимдан деҳқончиликнинг ўзига хос марказлари бўлиб келган. Бундай ҳудудларга Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларини, Зарафшон ва Хоразм воҳаларини мисол қилишимиз мумкин. Шу жумладан қуйи Зарафшон воҳасининг деҳқончилиги тарихий илдизлари анчайин қадимий даврларга бориб тақалади.



Хулоса

Қадимий Самарқанд деҳқонлари ерни ботқоқланишдан сақлаш чораларини азалдан билганлар. Ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун зовурлар қазилган. Масалан Бухорога яқин жойда қазилган Темур Захкаш деб аталган зовур анчагина қадимий. Сувсизлик ёки сув босиш хавфи маҳаллий деҳқонларни турли-туман маросимлар ўтказиш ва ҳар хил иримларга амал қилишга ундаган. Суғориш тизимининг кейинги даврлардаги ҳолати, жумладан собиқ совет ҳукумати даврида анчагина ривожланган бўлсада, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида оғир экологик хавфни юзага келтирди.

Адабиётлар

1. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.(Қадимги даврдан то XX асргача) “Фан”,Т-1972.
2. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. “Ўзбекистон” Т-1997.
3. Муҳаммаджонов А.Р. Шайбонийхон сув айирғич кўприги. Т.Ўзбекистан. 1969.
4. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Т. 2001 й.
5. Кадиров А. Вода и етика. Т-2005.
6. Муҳамедов Х. Ўзбекистоннинг қадимги мудофаа иншоотлари тарихидан , Тошкент , УзССР ФА нашриёти , 1961 .
7. Нильсен В. А. , Кызыл - кыр , - История материальной культуры Узбекистана » , вып . 1,Ташкент , Изд - во АН УзССР , 1959 .
8. Нурматов К. Н .. Экономические проблемы комплексного развития сельского хозяйства , Ташкент , 1961 .
9. Обельченко О. Б. , Кую - Мазарский могильник , - « Труды Института истории и археологии АН УзССР » , вып . VIII . Ташкент , Изд - во АН УзССР , 1956 . Оживление мертвых земель в Туркестанском крае , - << Туркестанские ведомости » . 1898 , № 30 . Петров Н. , Об ирригации в Туркестанском крае , Ташкент , 1894 .
10. Петровский Н. Ф. , По поводу сбережения воды , - << Туркестанские ведомости » , 1907 , № 50 .
11. Петровский Н. Ф. Туземная единица объема воды и способы деления ее , « Справочная книжка Самаркандской области , вып . V. Самарканд , 1897 . Положение об Управлении Туркестанским краем 12 июня 1886 г. , Полное собрание законов Российской империи , т . V1 , СПб . , 1888 , № 2814 .
12. Попов А. А. , Из истории завоевания Средней Азии , - Исторические записки . 1940 , № 9 . Предтеченский А. , Сельское хозяйство и задачи ирригации в Зеравшанской долине , - < Труды Управления ирригационных работ в Туркестане » , М. , 1921 .
13. Пугаченкова Г. А. , Архитектурные заметки о среднеазиатском архитектурном газе , - Искусство зодчих Узбекистана » , вып . 1 , Ташкент , Изд - во АН УзССР , 1962 .